



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 5 » may № 224

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

“Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларини яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартиби;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишни рад этиш тартиби;

яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Солиқ қўмитаси ҳамда Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** Ягона интерактив давлат хизматлари порталида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳамда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш мақсадида тегишли ахборот тизимларини “Manzil” автоматлаштирилган ахборот тизимига интеграция қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

бир ой муддатда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой** муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Ташпулатов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 5 ” майдаги 224-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларини яшаш ва турган жойи бўйича
рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини
бекор қилиш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ (кейинги ўринларда – Қонун) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини (кейинги ўринларда – фуқаролар) яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли орган – ички ишлар органларининг миграция ва персоналлаштириш бўлинмалари;

даволаш муассасалари – санаторийлар, даволаш пансионатлари, давлат клиникалари ва хусусий клиникалар, шифохоналар, касалхоналар ҳамда бошқа тиббиёт муассасалари;

жойлаштириш воситалари – меҳмонхоналар, туристик базалар ва мажмуалар, дам олиш уйлари ҳамда зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, меҳмон уйлари, ўтов ва чодирли оромгоҳлар, санаторийлар ҳамда меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш бўйича хизматлар) кўрсатиладиган бошқа объектлар;

идентификацияловчи ID-карта (кейинги ўринларда – идентификацияловчи карта) – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида идентификацияловчи карта эгасининг шахсини ва фуқаролигини, яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқлайдиган, эгасининг шахсига доир биографик ва биометрик маълумотлар киритилган электрон жисмга (чипга) эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси фуқаросига бериладиган ҳужжат;

ички ишлар органларининг таянч пунктлари – ички ишлар органларининг таянч пунктлари ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари;

турган жойи – шахс қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган асосларда вақтинча яшайдиган жойлаштириш воситаси, даволаш муассасаси ёки шахснинг яшаш жойи ҳисобланмайдиган турар жой;

турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг турган жойи тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда қайд этиш;

ЯИДХП – Ягона интерактив давлат хизматлари портали;

яшаш жойи – шахс мулкдор сифатида, ижара (иккиламчи ижара), текин фойдаланиш шартномаси бўйича ёки қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра доимий равишда (асосан) яшайдиган ҳамда ўзи яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган уй, квартира, хизмат турар жойи, махсус уй (ётоқхона, вақтинча уй-жой фонди уйи ёки ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уй, шунингдек, болалар уйи ёки бошқа махсус мақсадли уй) ёхуд бошқа турар жой;

яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда қайд этиш;

“E-mehmon” автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда – “E-mehmon” тизими) – жойлаштириш воситаларида ва даволаш муассасаларида фойдаланиладиган, жойлаштириш воситаларида яшовчи ёки даволаш муассасаларида стационар шароитда даволанаётган шахсларни турган жойи бўйича хабардор қилиш тартибида рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш учун мўлжалланган автоматлаштирилган ахборот тизими;

“E-xabar berish” автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда – “E-xabar berish” тизими) – шахсларни турган жойи бўйича хабардор қилиш тартибида рўйхатдан ўтказиш учун мўлжалланган автоматлаштирилган ахборот тизими;

“Manzil” автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Manzil” тизими) – шахсларни яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш учун мўлжалланган автоматлаштирилган ахборот тизими.

3. Фуқарони яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш хизматлари ушбу Низом талаблари асосида амалга оширилади ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва аҳоли миграциясини ҳисобга олиш мақсадида фуқаронинг республика ҳудудининг муайян жойида яшаш ёки вақтинча бўлиш ҳолатини аниқлашни назарда тутди.

4. Фуқарони яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳар икки томоннинг (мулкдор ва фуқаро) иштирокида амалга оширилади ва уларнинг розилиги “Face-ID” ёки “Mobile-ID” тизими орқали тасдиқланади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги уй-жой фондига эга бўлган муассасаларга жойлаштирилишида “E-xabar berish” тизимида маълумотларни киритиш орқали тегишли манзилга олти ой муддатгача реал вақт режимида турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши учун тизимдан юборилади.

Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларига жойлашган фуқаролар “E-mehmon” тизими орқали турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади.

Яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш белгиланган тартибда расмийлаштирилган нотариал тасдиқланган розилик аризаси ёки ишончнома асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

5. Туғилган бола фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (кейинги ўринларда – ФХДЁ) органлари томонидан унга туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви расмийлаштириш чоғида отаси ёки онасининг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган манзилига маълумотларни киритиш орқали реал вақт режимида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади.

Туғилган болага ФХДЁ томонидан туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви расмийлаштириш чоғида уни яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун турар жой мулкдори (мулкдорлари)нинг розилиги талаб этилмайди.

6. Бир нечта уйга ёки квартирага эга бўлган турар жой мулкдори улардан фақат биттасига яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган фуқаро ота-онаси ёки улардан бири ёхуд васийси (ҳомийси) рўйхатдан ўтказилган манзилда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади.

Бунда ўн саккиз ёшга тўлмаган фуқаро яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши учун эга бўлган турар жой мулкдорининг розилиги талаб этилмайди.

7. Фуқаро янги яшаш жойига келган кундан эътиборан ўн иш куни ичида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиши ва турар жой мулкдори (мулкдорлари) уни яшаш жойи ёки турган жойи манзилига рўйхатдан ўтказиш учун ушбу Низомда белгиланган тартибда ваколатли органга хабар бериши шарт.

Фуқаронинг яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги унда мазкур турар жойга (уй-жой майдонига) бўлган мулк ҳуқуқи келиб чиқишига олиб келмайди.

8. Турар жойларнинг ижара ёки текин фойдаланиш шартномаларини солиқ органлари томонидан ҳисобга қўйишда ижарага олувчиларнинг хоҳишига кўра улар ижара шартномасида кўрсатилган, аммо бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади.

Бунда турар жойни ижарага ёки текинга фойдаланишга бериш шартномаси турар жой мулкдори томонидан тасдиқланганидан сўнг ижарага олувчи ҳақидаги маълумотлар “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали (кейинги ўринларда – электрон платформа) “E-xabar berish” тизимида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказилади.

Турар жойнинг ижара ёки текин фойдаланиш шартномаси турар жой мулкдори томонидан тасдиқланганлиги фуқарони турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун турар жой мулкдорининг розилиги ҳисобланади.

9. Талаба талабалар ётоқхонасига жойлашиш бўйича мурожаат қилганда таълим муассасаси ва ариза берувчи ўртасида тузилган шартномани расмийлаштириш жараёнида ЯИДХП орқали композит тарзда ўша ернинг ўзида турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади.

Бунда талаба турар жой ижара шартномасида кўрсатилган, аммо бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга ваколатли орган томонидан онлайн тарзда турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади.

10. Мулкдор (мулкдорлар) ўзини (ўзларини), оила аъзоларини ва бошқа шахсларни яшаш жойи ёки турган жой бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Фуқарони яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишда Қонуннинг 20-моддасида белгиланган бир киши учун турар-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидаларга риоя этилиши шарт.

Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ қуйидаги фуқароларга нисбатан уларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш чоғида, истисно тариқасида, Қонуннинг 20-моддасида белгиланган бир киши учун турар жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидалар қўлланмайди:

эрга (хотинга) нисбатан – бир-бирининг яшаш жойи бўйича уй-жой майдониغا;

ота-оналар, фарзандларга нисбатан – бир-бирининг яшаш жойи бўйича уй-жой майдониغا;

бува, буви, невараларга нисбатан – бир-бирининг яшаш жойи бўйича уй-жой майдониغا;

васийликдаги (ҳомийликдаги), шунингдек, оилага тарбияга олинган (патронат) шахсларга нисбатан – васийнинг (ҳомийнинг), тутинган отанинг ёки онанинг яшаш жойи бўйича уй-жой майдониغا;

ака-укалар, опа-сингилларга нисбатан – бир-бирининг яшаш жойи бўйича уй-жой майдониغا;

озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларга нисбатан – олдинги яшаш жойига, яъни ўз оила аъзоларининг, қариндошларининг ёки ҳукм қилингунига қадар ўзи биргаликда яшаб турган бошқа шахсларнинг уй-жой майдониغا.

Фуқароларнинг ушбу банднинг учинчи–саккизинчи хатбошилари асосида, истисно тариқасида, рўйхатдан ўтказилганлиги рўйхатдан ўтказишга оид сўровномада кўрсатилиши лозим. Ушбу маълумотлар тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан онлайн тарзда текширилади.

11. Фуқарони яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишда ўзига нисбатан уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидалар қўлланмайдиган шахслар рўйхати электрон платформа орқали (агар тизимда мавжуд бўлса) реал вақт режимида автоматик равишда аниқланади.

Фуқарони электрон платформа орқали аниқлашнинг имкони бўлмаганда, у яшаш жойи ва турган жойи бўйича ваколатли орган томонидан рўйхатдан ўтказилади.

12. Давлат хизматларини кўрсатиш учун давлат божи Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунида белгиланган миқдорларда ундирилади.

Давлат хизматларидан фойдаланиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, тўланадиган сумма миқдорининг 90 фоизи ундирилади.

13. Давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи – тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига;

0,5 фоизи – Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш марказининг махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади;

б) ваколатли органга ҳамда профилактика инспекторига ўзи келиб мурожаат этганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига;

0,5 фоизи – Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш марказининг махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади;

в) ЯИДХП орқали мурожаат этганда:

11,25 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига (бунда тушган маблағларнинг 50 фоизи ҳар ойда Ягона порталда электрон давлат хизматларини жорий этиш ва техник қўллаб-қувватлаш учун Ягона интеграторга йўналтирилади);

11,75 фоизи – Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш марказининг махсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи йиғим тўлангани Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади;

г) кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда ушбу манзилга яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали мурожаат этилганда, яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун ундириладиган божнинг:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига;

0,5 фоизи – Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш марказининг махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади;

д) кўчмас мулкнинг ижара (текин фойдаланиш) шартномаларини солиқ органларида ҳисобга қўйиш билан бир вақтда ижарага олувчи(лар)ни турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун солиқ органларининг махсус автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали мурожаат этилганда, ижарага олувчи(лар)ни турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун ундириладиган божнинг:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари махсус ҳисобварағига;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига;

0,5 фоизи – Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш марказининг махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади;

Давлат божи тўлангани Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланади. Давлат божи тўлангани ҳақидаги квитанцияни талаб қилиб олиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлардан миграция ва персоналлаштириш хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда ва ходимларни рағбатлантиришда фойдаланилади.

14. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги мавжуд эмаслиги уни турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.

15. Фуқарони яшаш жойи ва турган жой бўйича рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш билан боғлиқ низолар суд тартибида ҳал этилади.

16. Фуқарони яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш ҳақидаги электрон сўровномани (аризани) кўриб чиқиш муддати бир иш кунидан ошмаслиги керак.

Қўшимча текшириш талаб этилган тақдирда, ариза берувчи шахсан ёки электрон тизим орқали хабардор қилинади. Бунда қўшимча текшириш муддати уч кундан ошмаслиги лозим.

2-боб. Фуқароларни яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартиби

17. Фуқаролар ёки турар жой мулкдори (мулкдорлар) яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун ўзларига қулай бўлган жойдаги ваколатли орган ёки давлат хизматлари марказлари, “Ақлли” миграция шохобчалари орқали шахсан ёхуд ЯИДХП, “E-xabar berish” тизими орқали онлайн тарзда муурожаат қилишлари мумкин.

Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш сўровномаси кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда давлат хизматлари марказлари, ЯИДХП ёки нотариал идоралар орқали ҳам берилиши мумкин.

18. Фуқаро яшаш жойи бўйича ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида рўйхатдан ўтказилади.

19. Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун ваколатли органга ёки давлат хизматлари марказларига муурожаат қилинганда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

турар жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдонини бериш тўғрисидаги ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ аризаси (розилиги), шахсан бориш имкони мавжуд бўлмаганда эса унинг (уларнинг) нотариал тартибда тасдиқланган аризаси (розилиги) ёки ишончномаси;

турар жой мулкдорининг (мулкдорларининг) паспорти (яшаш гувоҳномаси) ёки идентификацияловчи картаси;

рўйхатдан ўтказилаётган шахсинг паспорти ёки идентификацияловчи картаси;

ўн олти ёшга тўлмаган бола аризада кўрсатилган тақдирда, унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

васийликдаги (ҳомийликдаги) бола ёки оилага тарбияга олинган (патронат) бола аризада кўрсатилган тақдирда, васийликни (ҳомийликни) тасдиқловчи ҳужжат ёки болани оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув.

20. Ҳужжатларни қабул қилган масъул ходим ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини текширади ва фуқарони яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон сўровномани (аризани) шакллантиради, электрон сўровномага (аризага) тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар киритилади.

Бунда турар жой мулкдори (мулкдорлари) ва рўйхатдан ўтаётган фуқаро электрон сўровномани (аризани) идентификация ва верификация қилиш воситалари (“Face-ID” тизими) орқали тасдиқлайди.

Зарур бўлган тақдирда эса (“Face-ID” тизими орқали тасдиқлашнинг имкони бўлмаганда) рўйхатдан ўтказилаётган фуқаро томонидан ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ электрон сўровноманинг (аризанинг) қоғоздаги кўчирма нусхаси ваколатли органда имзоланади. Шакллантирилган электрон сўровнома (ариза) “Manzil” тизимига юкланади.

Ушбу Низомнинг 10-банди учинчи–саккизинчи хатбошилари асосида рўйхатдан ўтказилган фуқаролар тўғрисида маълумотлар ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ электрон сўровномада кўрсатилиши лозим.

21. Рўйхатдан ўтказилаётган фуқаро ЯИДХП орқали яшаш жойи бўйича хабардор қилиш тартибида ўзини рўйхатдан ўтказиш учун ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ электрон сўровномани (аризани) шакллантиради, электрон сўровномага (аризага) ушбу Низомнинг 19-бандида санаб ўтилган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар киритилади.

Турар жой мулкдори (мулкдорлари) ва рўйхатдан ўтказилаётган фуқаро электрон сўровномани (аризани) идентификация ва верификация қилиш воситалари (“Face-ID” тизими) орқали тасдиқлайди.

Идентификация ва верификация қилиш воситалари (“Face-ID” тизими) орқали электрон сўровномани (аризани) тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, ваколатли органда сўровноманинг қоғоз шакли имзоланади.

22. Тарбиялаш, даволаш ва бошқа муассасалардаги болалар, етим болалар, ота-оналарининг қаровисиз қолган болалар, шунингдек, қариялар уйларидаги шахслар кўрсатиб ўтилган муассасалар томонидан берилган турар жой майдонига ушбу муассасаларга жойлаштирилган вақтдан бошлаб ўн иш кунида ваколатли орган томонидан яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади.

Бунда қариялар уйлари, тарбиялаш, даволаш ва бошқа муассасаларга жойлаштирилган шахснинг паспорти ёки идентификацияловчи картаси, қариялар уйлари, тарбиялаш, даволаш ва бошқа муассасалар директорининг ёзма талабномаси ваколатли органга тақдим этилиши лозим.

23. Фуқаро корхона, муассаса ва ташкилотга ишга қабул қилингани ёки яшаш жойи йўқлиги сабабли корхона, муассаса ва ташкилот тасарруфидаги хизмат турар жойи, умумий ёки оилавий ётоқхонада яшаш жойи бўйича турар жойнинг ҳужжати (ордерга) ёки мазкур корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарининг ёзма рухсатига асосан ваколатли орган томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Бунда рўйхатдан ўтказилаётган фуқаро қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:
рўйхатдан ўтказилаётган шахснинг паспорти ёки идентификацияловчи картаси;

ўн олти ёшга тўлмаган бола аризада кўрсатилган тақдирда, унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

васийликдаги (ҳомийликдаги) бола ёки оилага тарбияга олинган (патронат) бола аризада кўрсатилган тақдирда, васийликни (ҳомийликни) тасдиқловчи ҳужжат ёки болани оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув.

Корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарининг ёзма рухсатига асосан фуқарони яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказишда электрон сўровномани рўйхатдан ўтказилаётган фуқаро томонидан фойдаланувчини идентификация ва верификация қилиш воситалари (“Face-ID” тизими) орқали тасдиқлайди.

Корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарининг ёзма рухсати ваколатли орган томонидан электрон тизимга юкланади.

24. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган фуқарога тегишли бўлган турар жой майдонига рўйхатдан ўтказиш учун унинг электрон тасдиғини олишнинг имкони бўлмаса, нотариал тартибда тасдиқланган аризаси (розилиги) талаб этилади.

25. Фуқаро “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) аъзо давлатлар ҳудудида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида бўлган тақдирда, унинг аризаси (розилиги) тегишли давлат қонунчилигига мувофиқ тасдиқланиши мумкин.

Фуқаро Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) аъзо давлат ҳудудида бўлганда, унинг аризаси (розилиги) ушбу конвенция талабларига мувофиқ апостиль белгиси орқали тасдиқланиши мумкин.

26. Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган фуқароларнинг мобил телефон рақамига электрон платформа орқали СМС-хабар юборилади.

Аризалар ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунларида юборилганда, календарь бўйича навбатдаги иш куни аризаларнинг ваколатли органга тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилинган кун деб ҳисобланади.

27. Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган фуқарога ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ намунадаги QR-код билан ҳимояланган фуқарони яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида электрон ва (ёки) қоғоз шаклидаги қайд варағи расмийлаштирилади.

28. Чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигидан сўнг бу ҳақидаги маълумот ваколатли орган томонидан электрон платформа орқали Мудофаа вазирлигига юборилади.

3-боб. Фуқароларни турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартиби

29. Фуқаролар ёки турар жой мулкдори (мулкдорлар) турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун ўзларига қулай бўлган ваколатли орган, профилактика инспектори ва давлат хизматлари марказлари, “Ақлли” миграция шохобчалари орқали шахсан ёки ЯИДХП ва “E-xabar berish” тизими орқали хабардор қилиш тартибида онлайн тарзда мурожаат қилишлари мумкин.

30. Ваколатли орган томонидан фуқаро турган жойи бўйича ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ схема асосида рўйхатдан ўтказилади.

31. Фуқаро турган жойи бўйича хабардор қилиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

турар жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдонини бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги), шахсан бориш имкони мавжуд бўлмаганда эса унинг (уларнинг) нотариал тартибда тасдиқланган аризаси (розилиги) ёки ишончномаси;

турар жой мулкдорининг (мулкдорларининг) паспорти (яшаш гувоҳномаси) ёки идентификацияловчи картаси;

рўйхатдан ўтказилаётган шахснинг паспорти ёки идентификацияловчи картаси;

ўн олти ёшга тўлмаган бола аризада кўрсатилган тақдирда, унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

васийликдаги (ҳомийликдаги) бола ёки оилага тарбияга олинган (патронат) бола аризада кўрсатилган тақдирда, васийликни (ҳомийликни) тасдиқловчи ҳужжатлари ёки болани оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув.

Ўн олти ёшга тўлмаган шахсни турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишни расмийлаштиришда, унинг шахсини тасдиқлаганлик учун жавобгарлик уй-жойда биргаликда яшайдиган вояга етган шахс зиммасига юкланади.

32. Ҳужжатларни қабул қилган ваколатли орган, давлат хизматлари марказлари масъул ходими ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини текширади ва фуқарони турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ электрон сўровномани (аризани) шакллантиради.

33. Электрон сўровномага (аризага) тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар киритилади.

Бунда электрон сўровнома (ариза) рўйхатдан ўтказилаётган фуқаро ва турар жой мулкдори (мулкдорлари) фойдаланувчини идентификация ва верификация қилиш воситалари (“Face-ID” тизими) орқали тасдиқланади, зарур бўлган тақдирда эса (“Face-ID” тизими орқали тасдиқлашнинг имкони бўлмаганда) рўйхатдан ўтказилаётган фуқаро томонидан электрон сўровноманинг (аризанинг) қоғоздаги кўчирма нусхаси ваколатли органда имзоланади.

Нотариал тартибда тасдиқланган ариза (розилик), васийликни (ҳомийликни) тасдиқловчи ҳужжатлар ёки болани оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув PDF, PNG ёки JPEG шаклда илова қилинади.

Шакллантирилган электрон сўровнома (ариза) “E-xabar berish” тизимига юкланади.

34. Рўйхатдан ўтказилаётган фуқаро ЯИДХП ёки “E-xabar berish” тизими ёхуд “Ақлли” миграция шохобчалари орқали турган жойи бўйича хабардор қилиш тартибида ўзини рўйхатдан ўтказиш учун ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ электрон сўровномани (аризани) шакллантиради.

35. Электрон сўровномага (аризага) ушбу Низомнинг 31-бандида келтирилган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар фуқаро томонидан мустақил киритилади.

Бунда турар жой мулкдори (мулкдорлари) ва рўйхатдан ўтказилаётган фуқаро электрон сўровномани (аризани) идентификация ва верификация қилиш воситалари (“Face-ID” тизими) орқали тасдиқлайди.

Зарур бўлган тақдирда эса (“Face-ID” тизими орқали тасдиқлашнинг имкони бўлмаганда) рўйхатдан ўтказилаётган фуқаро томонидан ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ электрон сўровноманинг (аризанинг) қоғоздаги кўчирма нусхаси ваколатли органда имзоланади. Шакллантирилган электрон сўровнома (ариза) “Manzil” тизимига юкланади.

36. Фуқарони турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон сўровнома (ариза) солиқ органлари томонидан ҳисобга қўйилган ижара ёки текин фойдаланиш шартномасига асосан расмийлаштирилган турар жой мулкдорининг (мулкдорларининг) тасдиғи талаб этилмайди.

Талабалар ётоқхонасига жойлашиш бўйича давлат хизматлари марказлари ва (ёки) ЯИДХП орқали расмийлаштирилган шартнома асосида композит тарзда турган жой бўйича рўйхатдан ўтказишда талаба сўровномани (аризани) идентификация ва верификация қилиш воситалари (“Face-ID” тизими) орқали тасдиқлаши лозим.

Шартнома расмийлаштирилиши билан бир вақтда турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш сўровномаси махсус автоматлаштирилган ахборот тизими орқали талабанинг паспорти (ID-картаси) ва таълим муассасаси реквизитлари тегишли вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базаси билан интеграция асосида автоматик шакллантирилади.

37. Сўровномага киритилган маълумотлар ваколатли орган томонидан автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали текширилади.

38. Текширувда сўровномани рад этиш учун асослар аниқланганда, рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатиб ўтилган хабарнома қоғоз ёки электрон шаклда фуқарога юборилади.

39. Текшириш натижасида, турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишни рад этиш асослари аниқланмаган тақдирда, турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган давлат божи миқдори кўрсатилган хабарнома (инвойс) ахборот тизимлари орқали давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХПга электрон шаклда, ваколатли орган томонидан фуқарони ихтиёрига кўра электрон ёки қоғоз шаклида тақдим этилади.

Сўровнома юборилган ёки фуқарога тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун давомида давлат божи тўланмаган тақдирда, турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш автоматик тарзда бекор қилинади.

Мурожаат бекор қилингандан сўнг ушбу Низомга мувофиқ умумий асосларда қайта сўровнома юборилиши мумкин.

40. Давлат божи тўлови амалга оширганидан сўнг, ваколатли орган томонидан ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ намунадаги QR-код билан химояланган, фуқарони турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қоғоз ёки электрон шаклдаги қайд варағи (кейинги ўринларда – қайд варағи) шу куннинг ўзида фуқарога тақдим этилади.

Ваколатли орган қайд варағини расмийлаштириб беришда фуқарога турган жойи бўйича қайта рўйхатдан ўтказиш тартибини ва ариза топшириш муддатини тушунтиради.

41. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, давлат хизматлари марказлари, ички ишлар органларининг таянч пунктлари, ЯИДХП, “Ақлли” миграция шохобчалари, “Е-хабар бериш” тизими орқали хизмат кўрсатилганда, ваколатли орган томонидан ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ намунадаги қайд варағи идоралараро электрон платформа орқали электрон тарзда юборилади.

Давлат хизматлари марказлари қайд варағи келиб тушгандан сўнг уни фуқаронинг электрон манзилига юборади ва бу ҳақда уни шу куннинг ўзида идоралараро электрон платформа орқали электрон тарзда хабардор қилади.

Фуқаронинг сўровига кўра қайд варағи қоғоз шаклда, мурожаат қилинган давлат хизматлари маркази томонидан тақдим этилади.

Давлат хизматлари марказлари, ички ишлар органларининг таянч пунктлари, ЯИДХП, “Ақлли” миграция шохобчалари, “Е-хабар бериш” тизими ва ваколатли орган ўртасида ахборот алмашиш рўйхатдан ўтказилаётган турар жой мулкдори (мулкдорлари) ҳамда фуқарони идентификация ва верификация қилиш воситалари (“Face-ID” тизими) орқали мажбурий тартибда тасдиқланган, фақат ҳимояланган идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

42. Аризалар ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунларида юборилганда, календарь бўйича навбатдаги иш куни аризаларнинг ваколатли органга тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилинган кун деб ҳисобланади.

43. Турган жойи бўйича хабардор қилган фуқаро бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга рўйхатдан ўтказилади.

Бунда белгиланган муддат тугаганидан сўнг фуқаро ушбу манзилда яшашни давом эттирган тақдирда, келган жойи ҳақида қайта хабардор қилиши лозим.

44. Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларига келган фуқаро турган жойи бўйича ушбу муассасанинг “Е-mehton” тизимида ишлаш ҳуқуқи берилган масъул ходими томонидан шу куннинг ўзида бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъи назар, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида “Е-mehton” тизимида киритиш орқали рўйхатдан ўтказилади.

Жойлаштириш воситаси ёки даволаш муассасаларининг масъул ходими томонидан шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг олиб қолиниши тақиқланади.

Фуқарони жойлаштириш воситаси, даволаш муассасаси, ётоқхона, тарбиялаш муассасаси ва махсус уйда турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишда муайян жойлаштириш воситаси, даволаш муассасаси, ётоқхона, тарбиялаш муассасаси ва махсус уй учун белгиланган умумий сифмдан ортиб кетишига йўл қўйилмайди.

Фаолиятини икки ёки ундан кўп объектларда олиб боровчи фуқаро ушбу объектлар жойлашган манзилларнинг ҳар бирида турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Бунда Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда, ваколатли органга ёки ички ишлар органларининг таянч пунктига мурожаат этган ҳолда ташриф буюрувчини турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш таъминланади.

45. Қурилиш объектида ёки ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) корхонасида ишлаш мақсадида келган ва ушбу объектнинг яшаш учун мослаштирилган жойида (вақтинча иншоот, мослаштирилган бино ва контейнер уйда) яшаётган фуқаро ушбу қурилиш объекти ёки ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) корхонасига ваколатли орган ёки профилактика инспектори томонидан турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади.

Бунда фуқаро қурилиш объекти ёки ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) корхонасига турган жойи бўйича мазкур қурилиш объекти ёки ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) корхонасида яшаш учун мослаштирилган жойнинг мавжудлиги, рўйхатдан ўтказилаётган фуқаро турар жой билан (техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, санитария-эпидемиология режими талабларига риоя этилган ҳолда) таъминлангани ҳамда уни турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳақида қурилиш объекти ёки ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) корхонаси раҳбарининг хати (розилиги) асосида рўйхатдан ўтказилади.

46. Озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо муддатини ўташ учун қабул қилинган шахс жазони ижро этиш муассасасига турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади. Бунда жазо муддатини ўташ учун қабул қилинган шахс жазони ижро этиш муассасаси раҳбарининг хати асосида ҳудудий ваколатли орган томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Бунда жазони ўташ учун келтирилган фуқарони қабул қилган жазони ижро этиш муассасаси томонидан турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиладиган фуқаро тўғрисидаги маълумотлар ҳудудий ваколатли органга юборилади.

Жазони ўтаётган фуқаро жазони ижро этиш муассасасига белгиланган жазо муддати доирасида, бироқ ундан ортиқ бўлмаган муддатга турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади.

Жазо муддатини ўтаётган фуқаро бошқа жазони ижро этиш муассасасига ўтказилганда, уни турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш жазо муддатини ўташга келган жазони ижро этиш муассасаси томонидан таъминланади.

47. Фуқаро “E-xabar berish” ва “E-mehmon” тизимлари орқали турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганда “Manzil” тизимидаги яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги бекор қилинмайди.

48. Фуқаронинг турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида электрон платформа орқали фуқаронинг телефон рақамига СМС-хабар юборилади.

4-боб. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишни рад этиш тартиби

49. Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги ҳудудларида фуқароларнинг эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи чекланиши мумкин:

чегара зонасида;

ёпиқ ҳарбий шаҳарчаларда;

ёпиқ маъмурий-ҳудудий тузилмаларда;

табiiй ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарда, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигига таҳдид соладиган бошқа жойларда;

юқумли касалликларнинг ҳамда юқумли бўлмаган оммавий касалликларнинг тарқалиши, одамларнинг захарланиш хавфи мавжуд бўлганлиги муносабати билан аҳолининг яшаши ҳамда хўжалик фаолияти учун алоҳида шартлар ва режимлар жорий этилган айрим ҳудудларда ҳамда аҳоли пунктларида;

ўта муҳим ва тоифаланган объектларда;

фавқулодда ҳолат ёки сафарбарлик эълон қилинган ҳудудларда.

50. Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

ушбу Низомда кўрсатилган тегишли ҳужжатларнинг тақдим этилмаганлиги;

тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги;

давлат божини тўламаганлик;

турар жойни ўтказиб бериш учун тақиқ қўйилгани ва (ёки) хатлаб қўйилганлиги;

ушбу Низомнинг 49-бандида назарда тутилган асосларга кўра, Ўзбекистон Республикаси бўйлаб эркин ҳаракатланишга, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига нисбатан чекловлар жорий этилганлиги;

ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган талабнинг бузилганлиги.

Яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишни бошқа асосларга кўра рад этиш тақиқланади.

Яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Фуқаронинг яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтганлиги унда рўйхатдан ўтган турар жойга (уй-жой майдони) бўлган мулккий ҳуқуқни келтириб чиқаришга олиб келмайди.

51. Рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда, фуқарога ваколатли орган томонидан рад этишнинг аниқ асослари кўрсатилган ва шахснинг ўн иш куни мобайнида яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилмасдан яшаши маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши баён қилинган, QR-кодли рад этилиш ҳақида хабарнома берилади.

Яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишни рад этиш асослари бартараф этилган ёхуд турар жойни ўтказиб бериш учун тақик қўйган ва (ёки) хатлаб қўйган орган ёки муассасанинг розилиги тақдим этилган тақдирда, яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш бўйича мурожаатлар қайта кўриб чиқилади.

52. Рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши, шунингдек, бир манзилга рўйхатдан ўтказилганлик натижасида бошқа манзилидаги рўйхати автоматик равишда бекор қилинганлик сабабли аввалги манзилдаги рўйхатдан ўтказилганлигини қайта тиклаш юзасидан суд тартибида шикоят қилинади.

53. Сўровнома (ариза) турар жой мулкдори (мулкдорлари) ёки фуқаро томонидан бир иш куни ичида имзоланмаганда ёхуд идентификация қилишнинг тегишли воситалари (“Face-ID” тизими) билан тасдиқланмаганда, фуқарога сўровнома (ариза) рад этилиши ҳақида хабарнома берилмасдан автоматик равишда бекор қилинади.

5-боб. Яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш тартиби

54. Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ фуқаронинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги қуйидаги ҳолларда “Manzil” тизимига киритиш орқали бекор қилинади:

а) ваколатли орган томонидан:

фуқаро янги яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганда;

турар жой мулкдорининг аризасига кўра – турар жойга бўлган мулккий ҳуқуқларга ёки турар жой мулкдори билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган фуқарога (мазкур шахсларнинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи суд томонидан белгилангани ёки тарафлар ўртасида келишув мавжудлиги ҳоллари бундан мустасно) ёхуд ушбу Низомнинг 10-бандида белгиланган уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига риоя қилинган ҳолда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган фуқарога нисбатан;

фуқаро хорижга доимий яшашга кетаётганда;

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган фуқаронинг нотариал тартибда тасдиқланган ишончномаси ёки розилиги асосида;

фуқаронинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш тўғрисидаги шахсий мурожаати ёки бошқа шахснинг нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома асосидаги мурожаати бўйича.

б) суд томонидан:

уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси қўлланмаган ҳолда рўйхатдан ўтказилган шахснинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган қарорига асосан;

шахсни турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш тўғрисидаги, шахсни бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги, шахсни вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги ёки шахсни турар жойдан кўчириш ҳақидаги суднинг қонуний кучга кирган қарорига асосан;

фуқаронинг қалбаки ҳужжатлар ёки ҳақиқатга мос келмайдиган ҳужжатлар асосида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги, шунингдек, фуқарони яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказган мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари аниқланганда – суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукмига асосан;

шахсга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо тайинланганда – суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукмига асосан.

55. Турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи суд томонидан белгиланган шахсларнинг розилигисиз уларни яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги фақат суднинг қарорига асосан бекор қилинади.

Турар жой мулкдори билан қариндошлик алоқаларига эга бўлган фуқаро ҳақидаги маълумот манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан онлайн тарзда текширилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган фуқаронинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш тўғрисидаги ишончномаси ва аризаси жазони ижро этиш муассасалари раҳбарлари томонидан тасдиқланганда ушбу ҳужжатлар нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилади.

56. Ўн олти ёшга тўлмаган фуқароларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш уларнинг ота-онасининг (ёлғиз отасининг ёки онасининг), тутинган ота-онасининг ёки васийларининг (ҳомийларининг) яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш билан бир вақтда амалга оширилади.

57. Турар жой мулкдори (мулкдорлари) фуқаронинг яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш учун ваколатли органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

турар жой мулкдорининг (мулкдорларининг) фуқаронинг яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш тўғрисидаги аризаси, шахсан бориш имкони мавжуд бўлмаганда эса унинг (уларнинг) нотариал тартибда тасдиқланган аризаси ёки ишончномаси;

турар жой мулкдорининг (мулкдорларининг) паспорти (яшаш гувоҳномаси) ёки идентификацияловчи картаси;

турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ва яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганликни бекор қилиш учун асос бўлган ҳужжат.

58. Фуқаро ўзининг яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш учун ваколатли органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

фуқаронинг яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш тўғрисидаги аризаси, шахсан бориш имкони мавжуд бўлмаганда эса унинг нотариал тартибда тасдиқланган аризаси ёки ишончномаси;

паспорти ёки идентификацияловчи картаси;

ўн олти ёшга тўлмаган бола аризада кўрсатилган тақдирда, унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

59. Хорижда доимий яшашга кетиш учун рухсат олган фуқаро ўзининг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш учун ваколатли органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

фуқаронинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш тўғрисидаги ариза;

фуқаронинг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти;

ўн олти ёшга тўлмаган бола аризада кўрсатилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ўн олти ёшга тўлмаган шахсининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти.

60. Ушбу Низомнинг 57–59-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилган ваколатли органнинг масъул ходими ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини текширади ва фуқаронинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганини бекор қилиш тўғрисидаги электрон сўровномани (аризани) шакллантиради.

Электрон сўровномага (аризага) тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар киритилади.

Электрон сўровнома (ариза) ариза берувчи томонидан идентификация ва верификация қилиш воситалари (“Face-ID” тизими) орқали тасдиқланади.

Зарур бўлган тақдирда (“Face-ID” тизими орқали тасдиқлашнинг имкони бўлмаганда) мазкур фуқаро томонидан электрон сўровноманинг (аризанинг) қоғоздаги кўчирма нусхаси имзоланади. Шакллантирилган электрон сўровнома (ариза) “Manzil” тизимига юкланади.

61. Фуқаро ётоқхонага турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги таълим ташкилоти раҳбариятининг билдиришномасига кўра, хизмат уйига рўйхатдан ўтказилганлиги иш берувчининг билдиришномасига кўра, турган жой бўйича рўйхатдан ўтказилганликни турар жой мулкдори мурожаатига кўра бекор қилиш асос бўлган ҳужжатларга мувофиқ ёки фуқаронинг ташаббуси билан ваколатли орган томонидан бекор қилинади.

62. Олди-сотди, мерос ва бошқа битимлар тузишда турар жой мулкдорнинг розилигига асосан ушбу манзилда яшовчиларнинг рўйхатдан ўтказилганлик ҳолати сақланиб қолиниши (қолмаслиги) ёки рўйхатдан ўтказилганликни бекор қилиш муддати аниқ белгиланиши мумкин.

Олди-сотди, мерос ва бошқа битимларда фуқароларнинг фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолиши белгиланган бўлса, мазкур бегоналаштирилган турар жойларда фойдаланиш ҳуқуқи сақлаб қолинган фуқароларнинг рўйхатдан ўтказилганлиги уларнинг розилиги асосида бекор қилинади.

Олди-сотди, мерос ва бошқа битимларда белгиланган турар жойларда фойдаланиш муддатининг тугаганлиги турар жой мулкдори томонидан ушбу манзилда яшовчиларнинг рўйхатдан ўтказилганлиги бекор қилинишига асос бўлади.

Тарафлар ўртасида бошқача келишув тузилган бўлмаса, турар жойга нисбатан мулкый ҳуқуқларга ёки турар жой мулкдори билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахсларни ушбу турар жойдаги яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш учун уларнинг розилиги олинмайди.

63. Фуқаронинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганини бекор қилиш бўйича ваколатли органга мурожаат қилинганда, ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ фуқарони яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги бекор қилинганлик ҳақида қайд варағи расмийлаштирилади.

Агар фуқаронинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганини бекор қилиш бўйича сўровномада илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмагани ёки хато маълумотлар киритилгани аниқланган тақдирда, яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганини бекор қилиш рад этилади.

Ушбу Низомнинг 59-бандига асосан тақдим этилган аризадаги ҳужжатларни кўриб чиқиш давомида фуқаронинг доимий яшаш учун кетиши учун тўсқинлик қилувчи маълумотлар аниқланмаганда, хорижда доимий яшовчи шахс етти йил мобайнида узрли сабабларсиз доимий консуллик ҳисобига турмаса Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилиши учун асос бўлиши ҳақида ёзма равишда огоҳлантирилади ва унинг хорижга чиқиш биометрик паспортига хорижда доимий яшаш учун чиқишига рухсат берилгани тўғрисида ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ штамп қўйилади.

64. Турар жой мулкдорнинг аризаси ёки нотариал тартибда тасдиқланган ишончномаси асосида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

65. Фуқаронинг аризасига асосан яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги бекор қилинганда, фуқаро ўн иш кун муддат ичида янги манзилга яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиши шарт.

66. Фуқаро вафот этганда унинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги ўлим ҳақидаги гувоҳномани расмийлаштириш чоғида ФХДЁ органларидан электрон платформа орқали олинган маълумотларга ёки ўлим ҳақидаги гувоҳнома тақдим этилганда, турар жой мулкдорининг аризасига асосан ваколатли орган томонидан бекор қилинади.

Чет элда вафот этган шахснинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан берилган ўлим ҳақида гувоҳнома ёки суднинг вафот этганлик фактини тасдиқловчи қонуний кучга кирган қарори асосида ФХДЁ органларидан электрон платформа орқали олинган маълумотларга ёки ўлим ҳақидаги гувоҳнома тақдим этилганда, турар жой мулкдорининг аризасига асосан ваколатли орган томонидан бекор қилинади.

67. Чет элда бўлиб турган фуқаронинг хорижий давлатда доимий яшашга қолиш учун Ўзбекистон Республикасидаги яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганини бекор қилиш юзасидан консуллик ҳужжатлари ваколатли органда бир иш куни ичида кўриб чиқилади.

Бунда “Manzil” тизими орқали фуқаронинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги бекор қилиниб, QR-кодли “Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганликни бекор қилиш тўғрисидаги билдиришнома” чоп этилади. Ушбу билдиришнома кузатув хатига илова қилинган ҳолда кейинчалик ваколатли органга юборилади. Ваколатли орган ариза берувчига тақдим этиш ва уни доимий консуллик рўйхатига қўйиш учун QR-кодли “Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганликни бекор қилиш тўғрисида билдиришнома”ни Ташқи ишлар вазирлигига юборади.

68. Рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш учун асос бўлган ҳужжатлар номенклатура бўйича йиғмажилдларга тикилади ҳамда ваколатли органда беш йил давомида сақланади.

69. Рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш рад этилган тақдирда, фуқароларга шу куннинг ўзида асослантирилган жавоб хати берилади.

70. Фуқаронинг бекор қилинган яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги суднинг қарори асосида суд томонидан “Manzil” тизимига киритиш орқали тикланади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

71. Ушбу Низом талабларига риоя этилиши ички ишлар органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан назорат қилинади.

72. Фуқарони яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш ҳақидаги мурожаатининг рад этилганлиги такроран мурожаат қилиш ҳуқуқини чекламайди.

73. Қуйидагилар паспорт тизими қоидаларига риоя этилишига масъул:

корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари – бошқарувидаги корхона, ташкилот, муассасаларда;

мулкдор – ўзининг эгалигидаги турар ёки нотурар жойда.

74. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилмаган ҳолда яшаётган фуқароларни ички ишлар органларининг таянч пунктларида яратилган имкониятлардан фойдаланиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида рўйхатдан ўтишлари таъминланади.

75. Фуқаронинг рўйхатдан ўтган манзилидан бошқа манзилга яшаш учун ўтгани ҳақида ўн иш кунидан ортиқ муддатда қайта рўйхатдан ўтмасдан яшаши, шунингдек, паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахс томонидан ўз турар жойида фуқаронинг яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан яшашига йўл қўйилиши, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади.

76. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан
ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини
бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Ўзбекистон Республикаси фуқаросини яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи (фуқаро ва мулкдор)	1. Миграция ва персоналлаштириш бўлинмасига (кейинги ўринларда – ваколатли орган) ёки Давлат хизматлари марказига (кейинги ўринларда – ДХМ) ўзи келиб мурожаат қилади ёхуд хизматдан фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан (кейинги ўринларда – ЯИДХП) рўйхатдан ўтади. 2. Қонунчиликда белгиланган ҳужжатларни тақдим этади.	Хоҳишига кўра
2-босқич	1. Ваколатли орган, ДХМ ёки ариза берувчи. 2. Ариза берувчи.	1. Сўровнома шаклини тўлдириб, ўрнатилган тартибда тасдиқлайди ва автоматлаштирилган ахборот тизимига юклайди. 2. Хизмат кўрсатиш учун давлат божини тўлайди.	Мурожаат килинганда
3-босқич	Ваколатли орган	1. Сўровнома тушгандан кейин фуқаро ҳақидаги маълумотларни автоматик тарзда тегишли маълумотлар базаларидан текширади; 2. Рад этиш асослари аниқланмаганда фуқаронинг паспортдаги аввалги яшаш манзилидаги доимий рўйхатини штамп босиш орқали бекор қилади ва QR-код билан ҳимояланган қайд варағини расмийлаштиради; Қайд варағининг электрон шаклини ДХМга ёки ариза берувчининг электрон манзилига юборади; Фуқаронинг хоҳишига кўра қоғоз ёки электрон шаклини тақдим этади; Худудий мудофаа бўлимига фуқаро яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилгани ҳақида электрон тизим орқали маълумот юборади.	Бир иш кунида
4-босқич	1. ДХМ. 2. Ариза берувчи.	1. Қайд варағи келиб тушгандан сўнг уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. 2. Электрон манзилига юборилган қайд варағини хоҳишига кўра юклаб олади.	1. 10 дақиқа мобайнида. 2. Аниқ вақт режимида.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан
ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини
бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Туман (шаҳар) ИИБ, ИИО ФМБ МваПБ(Г) бошлиғига

_____ да

яшовчи _____

(мулкдорнинг Ф.И.О.)

АРИЗА

Менинг эгалигимда бўлган, _____ тумани (шаҳри), _____ кўчаси _____ (мавзе)
_____ уй, _____ корпусда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони _____ квадрат/метрдан
иборат бўлган _____ хонадонга
фуқаро _____ ни

(яшаш ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилаётган фуқаронинг Ф.И.О.)

қуйидаги оила аъзолари билан бирга яшаш (турган) жойи бўйича рўйхатдан ўтказишингизни сўрайман.

Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи

Мулкдор ёки вакил _____
(фуқаронинг Ф.И.О.)

Имзо _____ 20__ йил “__” _____

Изоҳ. Мулкдор вояга етмаган шахс бўлса, унинг номидан ота-оналар, васий (ҳомий)лар вакил сифатида ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан
ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини
бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Ўзбекистон Республикаси фуқаросини яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш
тўғрисида
СЎРОВНОМА

I. Ариза берувчи тўғрисида маълумот:		
1. Фамилияси		
2. Исми		
3. Отасининг исми		
4. Туғилган санаси ва жойи		
5. Мурожаат тартиб рақами		
6. Мурожаат қилинган сана ва вақт		
7. Паспорт (ID-карта) маълумотлари (серияси ва рақами)		
8. Аввалги яшаган манзили		
9. Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилаётган манзил		
10. Телефон рақами		
11. Электрон почта манзили (мавжуд бўлганда)		
II. Уй-жой мулкдори (мулкдорлари) ёки уй-жой берган юридик шахс ҳақида маълумот:		
1. Ф.И.О. ёки юридик шахс номи		
2. Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилаётган манзил ёки юридик манзил		
3. Кадастр ёки ордер рақами		
III. Вояга етмаган оила аъзолари:		
Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи
Ўғли		
Қизи		
IV. Томонларнинг имзолари:		
Мулкдор	Рўйхатдан ўтувчи	
(мулкдорнинг имзоси ва Ф.И.О.) 20 йил “ ”	(рўйхатдан ўтувчининг имзоси ва Ф.И.О.) 20 йил “ ”	

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан
ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини
бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги



Миграция ва персоналлаштириш
департаменти

Ўзбекистон Республикаси фуқароси яшаш жойи бўйича рўйхатдан
ўтказилганлиги тўғрисида
ҚАЙД ВАРАҒИ



ЖШШИР

Ф.И.О

Қайд варағи рақами

Туғилган санаси

Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган
сана

Яшаш жойи бўйича рўйхатдан
ўтказилган манзил

Хужжат рақами

(паспорт, ID-карта, туғилганлик тўғрисида
гувоҳнома)

Қайд варағи берган орган

(Туман (шаҳар) ИИБ, ИИО ФМБ МваПБ ёки МваПГ)

Изоҳ. 1. Қайд варағи фуқаронинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқлайдиган хужжат ҳисобланади ва паспорт, ID-карта ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (ун олти ёшга тўлмаган шахслар учун) кўрсатилган тақдирда ҳақиқийдир.

2. Ҳарбий ҳисобда туришга мажбур фуқаро уч иш кун ичида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимида ҳарбий ҳисобдан ўтишга мажбурдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан
ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини
бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

Ўзбекистон Республикаси фуқаросини турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи (фуқаро ва мулкдор)	1. Миграция ва персоналлаштириш бўлинмасига (кейинги ўринларда – ваколатли орган), профилактика инсекторига, Давлат хизматлари марказига (кейинги ўринларда – ДХМ) ўзи келиб мурожаат қилади ёки хизматдан фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёхуд “Е-xabar berish” тизимидан рўйхатдан ўтади. 2. Қонунчиликда белгиланган ҳужжатларни тақдим этади.	Хоҳишига кўра
2-босқич	1. Ваколатли орган, ДХМ ёки ариза берувчи. 2. Ариза берувчи.	1. Сўровнома шаклини тўлдириб, ўрнатилган тартибда тасдиқлайди ва автоматлаштирилган ахборот тизимига юклайди. 2. Хизмат кўрсатиш учун давлат божини тўлайди.	Мурожаат қилинганда
3-босқич	Ваколатли орган	1. Сўровнома тушгандан кейин фуқаро ҳақидаги маълумотларни автоматик тарзда тегишли маълумотлар базаларидан текширади. 2. Рад этиш асослари аниқланмаганда QR-код билан ҳимояланган қайд варағини расмийлаштиради ва фуқаронинг хоҳишига кўра қоғоз ёки электрон шакли тақдим этади. Қайд варағи электрон шаклини ДХМга ёки ариза берувчининг электрон манзилига юборади.	Бир иш кунида
4-босқич	1. ДХМ. 2. Ариза берувчи.	1. Қайд варағи келиб тушгандан сўнг уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. 2. Электрон манзилига юборилган қайд варағини хоҳишига кўра юклаб олади.	1. 10 дақиқа мобайнида. 2. Аниқ вақт режимида.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан
ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини
бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

Ўзбекистон Республикаси фуқаросини турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун
СЎРОВНОМА

I. Ариза берувчи тўғрисида маълумот:		
1. Фамилияси		
2. Исми		
3. Отасининг исми		
4. Туғилган жойи ва санаси		
5. Мурожаат тартиб рақами		
6. Мурожаат қилинган сана ва вақт		
7. Паспорт (ID-карта) маълумотлари (серияси ва рақами)		
8. Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган манзили		
9. Турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилаётган манзили		
10. Телефон рақами		
11. Электрон почта манзили		
II. Уй-жой мулкдори (мулкдорлари) ёки уй-жой берган юридик шахс ҳақида маълумот:		
1. Ф.И.О. ёки юридик шахс номи		
2. Яшаш жойи бўйича рўйхат манзили ёки жойлашган жойи (почта манзили)		
3. Кадастр рақами		
4. Уй-жой берган юридик шахснинг алоқа хати		
III. Вояга етмаган оила аъзолари:		
Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи
Ўғли		
Қизи		
IV. Томонларнинг имзолари:		
Мулкдор	Рўйхатдан ўтувчи	
(мулкдорнинг имзоси ва Ф.И.О.) 20 йил “ ”	(рўйхатдан ўтувчининг имзоси ва Ф.И.О.) 20 йил “ ”	

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан
ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини
бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-илова

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги



Миграция ва персоналлаштириш
департаменти

Ўзбекистон Республикаси фуқаросини турган жойи бўйича рўйхатдан
ўтказилганлиги тўғрисида
ҚАЙД ВАРАҒИ



ЖШШИР _____	Рақам _____
Фуқаро _____	Туғилган вақти _____
Ҳужжат _____	Амал қилиш муддати _____
Берилган вақти _____	_____
Серияси _____	Кўшимча маълумотлар _____
Турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган манзили _____	Келишдан мақсад _____
Кадастр _____	Қаердан келди _____
Вилоят _____	Турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш муддати _____ йил “ _____ ” _____ гача
Туман (шаҳар) _____	Маълумот _____
Манзил _____	
Уй _____ хона _____	
Қайд варағи берган орган _____	
(Туман (шаҳар) ИИБ, ИИО ФМБ МваПБ ёки МваПГ)	

Изоҳ. Турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги қайд варағи фуқаронинг турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (ўн олти ёшга тўлмаган шахслар учун) кўрсатилган тақдирда, унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир.


Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан
ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини
бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
8-илова

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги



Миграция ва персоналлаштириш
департаменти

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг яшаш жойи бўйича рўйхатдан
ўтказилганлиги бекор қилинганлиги тўғрисида
ҚАЙД ВАРАҒИ



ЖИШШИР

Ф.И.О _____

Қайд варағи рақами _____

Туғилган санаси _____

Бекор қилиш сабаби: _____

Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги
бекор қилинган
сана _____

Хужжат рақами _____

Рўйхатдан ўтказилганлиги бекор
қилинган манзили _____

(паспорт, ID-карта, туғилганлик тўғрисида
гувоҳнома, ҳарбий хужжатлар)

Қайд варағи берган орган _____

(Туман (шаҳар) ИИБ, ИИО ФМБ МваПБ ёки МваПГ)

Изоҳ.

- Қайд варағи фуқаронинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги бекор қилинганлигини тасдиқлайдиган хужжат ҳисобланади ва паспорт, ID-карта ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (ун олти ёшга тўлмаган шахслар учун) кўрсатилган тақдирда ҳақиқийдир.
- Ҳарбий ҳисобда туришга мажбур фуқаро уч иш куни ичида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги бекор қилинган туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимида ҳарбий ҳисобдан чиқшига мажбурдир.
- Фуқаро ушбу варақа расмийлаштирилган санадан бошлаб ўн иш куни муддати ичида яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан
ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини
бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
9-илова

**Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижда доимий яшашга
кетиш учун рухсат берилганлиги сабабли яшаш жойи бўйича
рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш штампининг
НАМУНАСИ**



Штамп ўлчами 60x20 мм

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “5” майдаги 224-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 апрелдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган Хусусийлаштирилган квартиралар (квартираларнинг бир қисми), уйлар (уйларнинг бир қисми)ни бошқаларга бериш ва мерос қилиб қолдиришда мулкчилик ҳуқуқининг ўтиши ҳақидаги шартномаларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга илова матнидаги “пропискадан” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида” 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарорида:

а) 1-иловада:

15²-банднинг иккинчи хатбошисидан “доимий” сўзи чиқариб ташлансин;

18-бандда:

биринчи хатбошидаги “доимий рўйхатдан” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидан “доимий” сўзи чиқариб ташлансин;

б) 3-илованинг 10-бандидаги “вақтинча рўйхатдан ўтишга” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтишга” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-банди иккинчи хатбошисидagi “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш қонун” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш қонунчилиқ” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарорида:

а) 1-илованинг 108-банди иккинчи хатбошисидagi “янги доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзили” сўзлари “янги яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзили” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

17-банднинг бешинчи хатбошисидаги “доимий ва вақтинчалик истиқомат қилувчилар сони” сўзлари “яшаш жойи ва турган жойи бўйича истиқомат қилувчилар сони” сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банднинг ўнинчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин;

99-банддаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаган хонадонларда” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтмаган хонадонларда” сўзлари билан алмаштирилсин;

108-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун қарздорлик мавжуд бўлганда, I гуруҳ истеъмолчига тегишли бўлган турар жойда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган вояга етган жисмоний шахслар қарздорликни тўлаш бўйича солидар жавобгар бўладилар. Вояга етган жисмоний шахснинг солидар жавобгарлиги у I гуруҳ истеъмолчига тегишли бўлган турар жойга яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган вақтдан бошлаб вужудга келади ва яшаш жойи бўйича рўйхатдан чиқарилган вақтгача амал қилади”;

115-банднинг бешинчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзили” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзили” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди 1-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзили тўғрисидаги маълумотлар юзасидан;

турган жойи бўйича рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар юзасидан”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорида:

а) 1-иловада:

12-банднинг ўнинчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзили”;

2-илованинг “Ариза берувчи ҳақидаги маълумотлар” бўлимининг 4-позицияси иккинчи устунидаги “Доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш манзили” сўзлари “Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзили” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

1-позициянинг “Маълумотнинг номи” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахсларнинг сони, яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган/рўйхатдан чиқарилган кун”;

2-позициянинг “Маълумотнинг номи” устунидаги “Турар жойда доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган шахслар” сўзлари “Яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-позициянинг “Маълумотнинг номи” устунидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-позициянинг “Маълумотнинг номи” устунидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзили” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзили” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомнинг 39-банди иккинчи хатбошисидаги “доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг учинчи хатбошисидаги “доимий яшаш манзили” сўзлари “яшаш жойи бўйича манзили” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 14-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“14. Жисмоний шахсларнинг автоматотранспорт воситалари уларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойи бўйича, яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойи бўлмаса – турган жойи бўйича давлат рўйхатидан ўтказилади.

Бунда рўйхатдан ўтказиш автоматотранспорт воситаси эгасининг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган ҳудудидан қатъи назар, ҳар бир ҳудудда автоматотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларга давлат рақами белгиларини бериш учун масъул этиб белгиланган ҳудудий ЙҲХХ органларида ҳам амалга оширилиши мумкин”.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомнинг 27-банди иккинчи хатбошисидаги “доимий ёки вақтинчалик рўйхатда турган” сўзлари “яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 декабрдаги 958-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бакалавриатининг кундузги таълим шаклига номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 15-банднинг биринчи хатбошиси ва 23-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида “доимий” сўзи чиқариб ташлансин;

б) 19-банднинг олтинчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидан” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойидан” сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган Суднинг қарорига кўра жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам бериш қоидаларининг 12-бандидаги “доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган жойи” сўзлари “яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойи” сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 309-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс – шахсини тасдиқловчи ҳужжати, шунингдек, бирон-бир манзилда яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган 18 ёшдан ошган шахс”;

б) 10-бандда:

“б” кичик банднинг тўртинчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойларига юборилиши лозим бўлган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзилларига юборилиши лозим бўлган” сўзлари билан алмаштирилсин;

“в” кичик банднинг саккизинчи хатбошисидаги “доимий ёки вақтинча яшаш жойларига юбориш” сўзлари “яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатга олинган манзилларига юбориш” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 32-банднинг ўн учинчи хатбошисидаги “доимий ёки вақтинча яшаш жойларига” сўзлари “яшаш ёки турган жойларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 41-банддан, 42¹-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида, 42²-банддан, 9-боб номидан ва 68–71-бандлардан “доимий” сўзи чиқариб ташлансин;

д) 42-банднинг иккинчи хатбошисидаги “доимий рўйхатда турган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 44-банднинг учинчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўлмаган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзили бўлмаган” сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасалари ва автотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи бошқа юридик шахсларнинг ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш, шунингдек имтиҳонларни ўтказиш ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 18-банддан “доимий” сўзи чиқариб ташлансин;

б) 20-банднинг учинчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатда турган ҳудудида бундай ўқув ташкилоти мавжуд бўлмаган ҳамда бошқа ҳудудда жойлашган ўқув ташкилотида вақтинча турган жойи” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатда турган ҳудудида бундай ўқув ташкилоти мавжуд бўлмаган ҳамда бошқа ҳудудда жойлашган ўқув ташкилотида турган жойи” сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан “ягона дарча” тамойили бўйича битимларни тасдиқлашда давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 14 сентябрдаги 733-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

номидаги, 1-банддаги, 2-боб номидаги, 11-банднинг еттинчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг илова белгисидаги, номидаги, 2 ва 3-босқичларнинг “Тадбирлар” устунидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг илова белгисидаги, номидаги ва матнидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-илованинг илова белгисидаги, номидаги ва матнидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг 1-бандидаги ва 8-бандининг тўртинчи хатбошисидаги “доимий яшаш манзили” сўзлари “яшаш жойи бўйича манзили” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-иловага 3-илова матнидан “доимий” сўзи чиқариб ташлансин;

д) 4-илованинг 6-банди олтинчи хатбошисидаги “доимий яшаш манзили” сўзлари “яшаш жойи бўйича манзили” сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 3 октябрдаги 789-сон қарорининг 1-банди “а” кичик банди иккинчи хатбошисидаги ва 2-бандидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 6 февралдаги 95-сон қарорида:

а) 1-иловада:

3-банднинг еттинчи хатбошисидаги “худудда доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “худудда яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банднинг иккинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги, 31-банднинг тўртинчи хатбошисидаги, 37-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги “доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи” сўзлари “яшаш жойи ёки турган жойи” сўзлари билан алмаштирилсин;

41-банднинг ўнинчи хатбошисидаги “доимий яшаш ёки вақтинча турар жойида вақтинча бўлмаганлиги ёки доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи” сўзлари “яшаш жойи ёки вақтинча турар жойида вақтинча бўлмаганлиги ёки яшаш жойи ёки турган жойи” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 12-банди иккинчи хатбошисидаги “доимий” сўзи чиқариб ташлансин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишни расмийлаштириш ва кўп марталик кириш визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органлари томонидан вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 17 апрелдаги 326-сон қарорида:

а) номидаги ва 1-банддаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

номидаги, 1-банддаги, 4-боб номидаги 12-банддаги, 14-банднинг биринчи хатбошисидаги, 15, 20 ва 25-бандлардаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниб” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиб” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-бандда:

биринчи хатбошидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишни” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишни” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидан “вақтинча” сўзи чиқариб ташлансин;

18 ва 19-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Ватандошлар яшаш манзилларини ўзгартирсалар, уч иш кунидан кечикмай турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган жой бўйича ҳудудий МваФР бўлинмасига турган жойи бўйича рўйхатдан ўтганликни ўзгартириш учун мурожаат қилиши лозим (меҳмонхона, санаторий ва даволаниш муассасаларига кўчиб ўтиш бундан мустасно).

19. Муайян манзилда турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги асосида яшаётган ватандошлар Ўзбекистон Республикасининг бошқа манзилида уч кундан ортиқ бўлиш истагини билдирсалар, амалдаги турган жойи бўйича рўйхатга олинганлиги бекор қилинмасдан, бошқа манзилга турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади. Бунда янги манзилдаги турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги аввалги турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги муддатидан ошмаслиги лозим”;

21 ва 23-бандлардаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

26-бандда:

биринчи хатбошидаги “вақтинча пропискаси” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилгани” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидан “доимий” сўзи чиқариб ташлансин;

1-илованинг белгиси ва матнидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг белгиси ва 10-бандидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-илованинг белгисидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-иловада:

илова белгисидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

матнидаги “доимий яшаш манзили” сўзлари “яшаш жойи бўйича манзили” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-иловада:

илова белгисидаги “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

матнидаги: “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишга” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишга” сўзлари билан, “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинаётган” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхат дан ўтказилаётган” сўзлари билан алмаштирилсин;

“вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишингизни” сўзлари “турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишингизни” сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги 328-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15 ва 24-бандларидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 апрелдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти бакалавриятига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-банди ва 23-банднинг иккинчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 468-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 4-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Абитуриентлар ўзларининг яшаш ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, исталган Марказга давлат хизматидан фойдаланиш учун мурожаат қилиши мумкин.

Абитуриентлар Марказга мурожаат этган ҳудудда (ЯИДХП орқали мурожаат этганда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган ҳудудида) ташкил этиладиган тест синовларида иштирок этишлари мумкин”.

21. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент давлат юридик университетининг ихтисослаштирилган филиалига ўқишга қабул қилиш тартиби ва ўқув жараёнини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 12 июндаги 490-сон қарорида:

а) 2-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “доимий” сўзи чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада:

5-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошилари, 14-банднинг учинчи хатбошиси ва 21-банддаги “доимий” сўзи чиқариб ташлансин;

1-илованинг IV босқич “Ўтказиладиган тадбирлар” устунидаги 3-бандидан “доимий” сўзи чиқариб ташлансин;

5-илованинг “Доимий яшаш жойи” устунидан “доимий” сўзи чиқариб ташлансин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 январдаги 39-сон қарори билан тасдиқланган Уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига кўп квартирали уйлардан хонадонлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловада:

7-позициянинг “Хужжат тури” устунидаги “Доимий прописка қилинган турар жойдан кадастр хужжатининг нусхаси (агар турар жойи доимий прописка қилинган турар жойи билан тўғри келса)” сўзлари “Яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган турар жойдан кадастр хужжатининг нусхаси (агар турар жойи яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган турар жойи билан тўғри келса)” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-позициянинг “Хужжат тури” устунидаги “Доимий прописка” сўзлари “Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги 49-сон қарори билан тасдиқланган Консуллик рўйхатида турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 18-банднинг биринчи хатбошисидаги “доимий рўйхатдан ўтган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 21-банднинг учинчи хатбошисидаги ва 26-банднинг биринчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 30-банднинг биринчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан чиқарилганлиги” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтганлиги ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш жойи бўйича рўйхатдан чиқарилганлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 49-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “Яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарори билан тасдиқланган Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги “фуқаро рўйхатга олинган доимий яшаш жойидаги” сўзлари “фуқаро рўйхатдан ўтган яшаш жойидаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 14-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги “ариза берувчи рўйхатга олинган доимий яшаш жойидаги” сўзлари “ариза берувчи рўйхатдан ўтган яшаш жойидаги” сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

а) 9¹-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 12-банднинг “д” кичик банди олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

г) 15¹-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15¹. Реестрдан кўчирма шаклланидан сўнг мулкдорни яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун ариза автоматик равишда Ички ишлар вазирлигининг “Манзил” ахборот тизимида юборилади.

Ариза берувчи ички ишлар органларининг тегишли миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларида яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганидан сўнг Давлат хизматлари марказига, нотариал идорага (ўзи келиб мурожаат этганда) ёки ариза берувчига (ЯИДХП орқали мурожаат этганда) QR-код билан ҳимояланган қайд варағи юборилади”.

26. Вазирлар Маҳкамасининг “Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарорида:

а) 1-иловада:

12-банднинг еттинчи хатбошисидаги “доимий” сўзи чиқариб ташлансин;

22-банднинг еттинчи хатбошисидаги “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатда бўлган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин;

34-бандда:

иккинчи хатбошидаги “доимий рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги “доимий рўйхатга олинган” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтганлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “доимий прописка қилинган шахс” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахс” сўзлари билан алмаштирилсин;

42-банднинг биринчи хатбошисидаги “доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган манзили” сўзлари “яшаш жойи ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзили” сўзлари билан алмаштирилсин;

